



AHOLI VA

QISHLOQ XO'JALIGINI

RO'YXATGA OLISH



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

ХУДУДЛАРГА БИРИКТИРИЛГАН

ВАЗИРЛИК, ИДОРА

ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РАҶБАРЛАРИ

ВА УЛАРНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ

АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ



1. Бириктирилган ҳудудларга жорий йилнинг **1 ноябрь кuni етиб боради**, вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари билан биргаликда вилоят штаби масъуллари иштирокида чора-тадбирлар белгилаб олади.



2. Вилоят (туман ва шаҳар)ларда ҳокимлик қарорлари билан ташкил **қилинган штаблар фаолиятини ўрганади**. (Рўйхатга олиш билан боғлиқ барча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, рўйхатга олувчи ходимлар мавжудлиги, хоналарни жихозланиши ҳолати).



3. Туман ва шаҳарлардаги барча **маҳалла фуқаролар йиғинларига шахсан ташриф буюради** ҳамда мавжуд ташкилий ҳолатини ўрганади. (МФЙ идораси биносида рўйхатга олиш участкаси ташкил этилганлиги ва участкаларда рўйхатга олиш билан боғлиқ барча ҳужжатлар ҳолати).



4. **Рўйхатга олиш участкалари** (МФЙ) бўйича тасдиқланган **ташкилий режаларни** тўлиқ ўрганиб чиқади.



❖ Бунда, маҳалла еттилиги ходимларининг аҳоли сонидан келиб чиқиб ҳар бир рўйхатга олувчиларнинг **юкламалари** (битта рўйхатга олувчи учун **шаҳарда ўртача 900 та, қишлоқ жойларида 700 та** аҳоли тўғри келади) белгиланган;



❖ Айрим ҳолларда рўйхатга олувчига тўғри келадиган ўртача юклама маҳалладаги аҳоли зичлигидан келиб чиқиб, белгиланган **нормалардан кўп бўлиши**, жами аҳолиси сони **нормаларидан кам бўлган** маҳаллаларда эса кам бўлиши мумкин.



❖ Агар рўйхатга олувчига **белгиланган юкламадан кам аҳоли тўғри келса**, у ҳолда рўйхатга олувчи **бошқа маҳаллага** тегишли бўлган аҳолини рўйхатга олишга **жалб қилиниши лозим**. (Рўйхатга олувчилар фақат маҳалла еттилиги аъзоларидан бўлиши керак).

5. 2026 йилнинг 15 - 31 январь кунлари давлат ташкилотлари ҳамда йирик тадбиркорлик субъектлари (рўйхат асосида) ходимлари ва уларни барча оила аъзоларини интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтишини ташкил қилади.

1

2

3

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан шакллантирилган рўйхат асосида:



❖ - барча давлат ташкилоти ходимларини (оила аъзоларини қўшган ҳолда) интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтишини назорат қилади;



❖ - барча йирик корхоналар ходимларини (оила аъзоларини қўшган ҳолда) интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтишини назорат қилади.



❖ - фермер хўжаликлари;



❖ - қишлоқ хўжалиги корхоналари;




❖ - асосий фаолият тури қишлоқ хўжалиги бўлмаган лекин қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган ташкилотларни **марказлашган** ҳолда **(e-Stat)** Интернет тармоғи орқали **онлайн** рўйхатдан ўтишини ташкил қилади.

7. Рўйхатга олиш жараёнида:



- ❖ хонадон эгалари томонидан уй хўжалиги ҳудудида рўйхатдан ўтишга **рад жавоби берилса**, у ҳолда у шахсни **рўйхатга олиш участкасига (МФЙ)** таклиф қилиш ва рўйхатдан ўтказишни ташкил қилади;



- ❖ **уй хўжалиги эгаларини топиш имкони бўлмаса** уй хўжалиги бўйича маълумотлар **МФЙ раиси** томонидан тўлдириш ишларини ташкил қилади;



- ❖ рўйхатга олувчилар (“Маҳалла еттилиги” аъзолари)ни планшет қурилмалари билан таъминланганлик (**ишлашга яроқли**) ҳолатини ўрганиб боради.



8. “Маҳалла еттилиги” тизимида вужудга келадиган **бўш иш ўринларини малакали мутахассислар билан тўлдириши** ҳамда барча иштирокчилар **рўйхатини** **тўлиқ** шакллантириш чораларини кўради.



9. Миллий гвардия ва ички ишларнинг ушбу масалага масъул бўлган ходимлари билан биргаликда **чора-тадбирлар белгилаб олади** ҳамда **Жиноятчилик кўп учрайдиган маҳаллалар** рўйхатини шакллантиради ва ушбу хонадонларга **ички ишлар ёки миллий гвардия ходимлари билан** бирга рўйхатга олиш ишларини ташкил қилади.



10. “Маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан амалга оширилаётган рўйхатга олиш жараёнларини **тўлиқ назоратга олади**, **кунлик юкламалар** бўйича **мониторинг** тизимини ташкил қилади.



11. Рўйхатдан ўтказилган хонадонларга (танланма асосида 1 та МФЙ да камида 15 та хонадон ўрганилади) шахсан ташриф буюрган ҳолда ҳақиқатда рўйхатга олинган ёки олинмаганлиги ҳолатини ўрганиб боради *(танланма ўрганишлар ҳар кун амалга оширилиши лозим).*



13. Рўйхатга олувчи томонидан хонадонларга шахсан ташриф буюрмаган ҳолатлар аниқланса (бундай ҳодим билан меҳнат шартномаси бекор қилинади) вилоят штабига ахборот берилади.



12. Рўйхатга олиш тадбири доирасида вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, жойларда рўйхатга олиш тадбирини тўғри ташкил этиш ҳамда маълумотларни ҳаққоний шакллантиришини шахсан назоратга олади.



14. Рўйхатга олиш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни (Мисол учун: Рўйхатга олувчи бетоб бўлиб қолиши, қастдан ишга чиқмаслик, меҳнат шартномаси бекор бўлиши в.к.з.) тезкорлик билан ҳал қилиш чораларини кўриб боради.



15. Амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги бўйича республика штабига кўнлик маълумот киритиб боради.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ